

**ILM**

**SARCHASHMALARI**

**1.2004**

Шоирнинг умрдан топган маъноси ҳам ҳар бир қалбда яшариб, янгиланиб турувчи муҳаббатдир:

Муҳаббатдан улуг туйғуни ўргат  
То шу туйғу билан сени севайин.

Муҳаббат туйғуси ҳоҳ дўстга, ҳоҳ Ватанга, ҳоҳ рангин табиатга, ёрга, Оллоҳга қаратилган бўлмасин, у ҳақда баралла жар солиш шарт эмас. Шоир ёзганидай:

Куйламоқ лозим муҳаббат ҳақда сал оҳистарок,  
Тўхта, эй дил булбулим, шовқин сурон кимларда йўк.

Шоирнинг юрагида «дулдулларнинг дупури». Бу дупур узоқ мозийдан хабар беради. Шунинг учун ҳам шоир «Минг ўлимни енгган саботим», -деб ёзади. «Ҳали ҳаёт экан хайрият. Уят, ор туйғуси – энг сўнгги умид», -дейди Матназар Абдулҳаким.

Кўринадики, М.Абдулҳаким шеърлятида тарихга, кечмишга саёҳат, ҳозирги кунларга танқидий муносабат мавжуд. Шоир қалбида давр руҳи, уйғониш сирлари ва оқибатлари ҳақида баҳс боради. У эҳтиросли, истеъдодли, мушоҳадакор шоир. Шунинг учун ҳам бу шеърят намуналарининг мавзу ва маъно кўлами ниҳоятда кенг ва теран. Инсон, табиат ва жамият муаммоларига хос турфа кўринишлар уни ҳаяжонга солади. Руҳий ҳолатларни ҳам мушоҳадакорлик билан чизади. Кечинмаларни бутун нозикликлари билан беришга, кўнгил манзараларини чизишга интилади. Ҳаётда учровчи нопокликлар, турли хил иллатлар тўғрисида истеҳзо билан сўзлайди.

Матназар Абдулҳаким шеърларида она юрт истиқлоли ва истиқболи, гўзал ва бетакрор табиати, тарихий қариятлар, ватанга меҳр-муҳаббат, вафодор ёрга садоқат, келажакка ишонч туйғулари устувор:

Шеър ёзмади япроқлар ёзди,  
Умидларим йўнган қаламлар,  
Бу оламга ҳаваслар қилиб,  
Чарх урдилар ҳамма олимлар.

Ҳа, шоир ўз овози, бадиий гўзал ва маънодор шеърляти билан миллий шеърятимизга янада файз бағишламоқда. Бу шеърларда эътиқод, бурч, инсонийлик тушунчалари, қалб тугўни, юрак талпинишлари бадиий инкишоф этилган. Шеърят инсониятдан, инсоният табиатдан узоқ яшай олмаслигига яна бир бор иймон келтирасиз. Илло, биз бақадри ҳол кузатган тўпламда табиат ва инсон мавзуси ўзаро тутшиб кетгандир.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Алишер Навоий. «Хамса». Тошкент, 1960. Б.21.
2. Матназар Абдуҳаким. «Ёлғиз япроқ». Урганч. Хоразм, 1999.
3. Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2002. Б.52.
4. Султонмурод Олим. Ишқ, ошиқ ва маъшуқа. Тошкент, «Фан», 1992, Б.49.

### ТОҒАЙ МУРОД ҲИКОЯЛАРИДА ПСИХОЛОГИЗМ

С.Матёкубов

Адабиётшуносликда руҳият тасвири муаммоси ўтган асрнинг 70 йилларидан бундан ўрганилиб келинмоқда. Ю.Бекмуродов, Н.Шодиев, М.Абдурахмонова, Х.Умуров, Б.Алиев, Ж.Жумабоеваларнинг номзодлик ва докторлик ишларида масаланинг у ёки бу кирралари ёритилган. Таниқли адабиётшунос олимларимизнинг тадқиқотларида портрет, пейзаж, диалог, нутқ, лирик қаҳрамон ва унинг маънавий олами ҳақидаги назарий фикрлар илгари сурилган. З.Фрейд, Э.Фромм, Ролан Барт, Х.Артега - и -

Гассет сингари ғарб тадқиқотчиларининг изланишларида ҳам бадиий ижод ва психологик тасвир масалалари ёритилади. Насрда ёзилган турли жанрларга мансуб асарларга хос психологик тасвир малакаси ва маҳорат масалалари атрофлича ўрганилган бўлишига қарамасдан Тоғай Мурод ҳикоялари етарлича ўрганилмаган. Бу ҳол бизнингча носирнинг ҳикоя жанрида қўл қотиб қолмаслиги учун ижод қилганлиги билан ҳам боғлиқ бўлса керак. Чунки у кўпроқ кисса ва романлари билан эл назарига тушган эди. Бу ҳол у яратган ҳикояларининг ҳам теран психологизм асосига қурилгани, уларда инсоннинг ички руҳияти доимо кўзга ташланиб туришини инкор этмайди.

Тоғай Муроднинг "Бобоси ва невараси" (1966 йил), "Кузнинг бир кунда" (1967 йил), "Ку-ку-ку" (1970 йил), "Эр-хотин" (1970 йил) каби ҳикояларини кузатар эканмиз, уларда ёзувчининг қаҳрамонлари характерини психологик муҳит орқали кўрсатишга интилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳикоялар носирнинг талабалик йилларида ёзилган. Шунга қарамасдан уларда инсон шахсига диққат-эътибор кучли, руҳий таҳлиллар анча терандир. "Бобоси билан невараси" ҳикоясида ёзувчи ҳаётини уч яшар Исмоилнинг беғубор қалби билан кўради. Айни пайтда бобонинг ўй-хаёлларини, неvara билан мулоқотларини тасвирлайди. Халқимизда "Одам кексайса, ёш боладай бўлади" - деган гап бор. Дарҳақиқат, носир китобхонни софдил ва покиза қалб қаърига нигоҳ ташлашга ундайди.

"Кузнинг бир кунда" ҳикоясида оқ кўнгил, меҳнаткаш домла Обидович образи берилган. У ҳаммани бирдек кўради. Барчанинг кўнгли пахтадек оппоқ деб билади. Ўз талабасининг қалбини бемаврид жароҳатламаслик, Ақромжон Раҳимжоновга "Онаси вафот этгани" ҳақидаги хабарни қандай етказиш ҳақида узоқ қайғуради. Таассуфки, эндигина йигирма ёшни қоралаган талаба на ёшлиги, на тарбияси ва на ички туйғулари жиҳатидан домлага ўхшамайди. Аксинча сеvimли адажонисининг эркатойи бўлгани, "Ишини битказиш", "Йўлини қилиш"га одатланган Ақрамжон ўз онаизорини ўлдига чиқариб бўлса-да ижтимоий меҳнатдан бош тортса, оғир меҳнатдан қутулса бас. Бу ҳақда ким қандай ўйлашининг эса унинг учун аҳамияти йўқ. Ўғлининг шундай тарбия олишига даставвал оилавий муҳит ва ота ҳам ўз улушини кўшади. "Қуш уясида кўрганини қилади" - дейди-ку доно халқимиз. Сеvimли дадажон умид билан бир ёстиққа бош кўйган умр йўлдошини ўлдига чиқаришдан заррача тап тортмайди. У ҳатто шундай қилиш лозим деб ўйлайди.

"Ку-ку-ку"даги директор ўринбосари очик кўнгил, инсонпарвар, табиат билан ҳамнафас яшайдиган инсон. Ҳикояда инсоний - меҳр-мурувват, шафқат ва бешафқатлик тўқнашади. Бош раҳбар дам олишга кетганида ўринбосар шу вазифани бажариб қолади. Кўпгина хайрли ишлар: (оддий ходимлар билан самимий суҳбатлашиш, маданият боғида қушлар учун уялар ясаптириб дарахтларга илиб қўйиш, беозор мусича болаларини ўз хонасига олиб кириб тарбиялаш)ни амалга оширади. Таассуфки, буни эвазига директор ўз ўрнига қайтғач қаттиқ танбех эшитади. Бошлаган ишларига кескин чек қўйилиб ўзи ишдан ҳайдалади. "Эр-хотин" ҳикоясида эса оилавий турмуш ва аҳиллик масалалари қаламга олинади. Ўролбой ва Барчиной жамики жонзотнинг жуфт бўлиб яшашлиги фарз эканлиги боисидан турмуш қуришади. Оилада дунёга келган чақалоқ уйга ҳам муносабатларга ҳам ўзгача бир файз киритгандек бўлади. Шоиртабиат эр-Ўролбой фарзанд нақадар ардоқли эканлигини хис этади. У ўз оиласи билан кинога тушмоқни истайди. Қушларнинг бирида эрининг таклифига биноан кинога боришни ихтиёр этган келинчак янги мода бўлган костюм шимини кийиб чиқади. Бироқ эр аёлини атлас кўйлақда кўришни хоҳлайди. Йўриғига сола олмаган хотинига қўл кўтарган шоир ҳаёт ва ҳаёлот ўртасида аросатда қолганлигини бирданга пайқамайди. Кўнгилсиз турмуш бузилиб кетишига бир баҳя қолганида қутилмаганда қишлоқда яшайдиган тоға ва ҳамсоялар уйга ташриф буюришади. Барчиной уларга сир бой бермайдигина эмас, елиб-югуриб хизмат қилади. Ҳатто юзини кўқарганига ҳам жўяли баҳоналар топа олади. Натижада хотинига нисбатан, оиласига нисбатан шоир қалбида алоҳида бир меҳр уйғонади. Носирнинг фикрича, миллийлик дастлабки ташқи либосда эмас, инсон қалбидан жой олмоғи лозим. Кузатганимиздек, ҳикояларнинг воқеалари ҳар кун атрофимизда содир бўлиши мумкин бўлган, оддий

ва ҳаётій эпизодлардан иборат. Лекин ҳар бир ҳикоя бир-бирини такрорламайдиган ўзига хослиги билан ёзувчи ҳаёт ҳақиқатини айтишга, тасвир мантиғига амал қилишга интилади. Академик М.Қўшжонов таъбири билан айтганда "Ёзувчи истагидан устун турадиган, унинг қаламининг йўналишини белгилаб берадиган маълум кучлар борки, санъаткор улар билан ҳисоблашмасдан иложи йўқ. Шулардан бири ҳаёт мантиғидир". Дарҳақиқат, ҳаёт ҳақиқати, характер мантиғига мувофиқ бўлмаса, образнинг моҳияти ҳам руҳий олами ҳам яхши кўрсатилмайди. Т.Мурод ҳикояларидаги характерлар реал ҳаётдаги инсоннинг айнан кўчирмаси эмас. Реал ҳаёт билан носирнинг эстетик идеаллари туташади. Натижада ёзувчи ўтган асрнинг 70 йиллари воқелиғига муайян муносабат билдира олади. Индивидуал хусусиятларга бой характерлар руҳиятини очишда ёзувчининг инсоний характерларини бир-бирига қарама-қарши қўйиб тасвирлаш контраст усулидан унумли фойдаланади. Ҳикоянинг ҳаётійлиги, реаллиги ва ғоявий эстетик юксаклигини конфликтларининг ишонарли эканлигини ҳам таъминлайди. Тоғай Мурод ўша давр ҳодисалари, инсоний муносабатларга танқидий кўз билан қарай олади. кундалик ҳаёт ташвишлари билан уйда унчалик эътибор берилмаётган чол ва неvara, жамият дарди билан қизикмайдиган, фақат ўзини ўйлайдиган худбинлик психологиясига хос ақидаларнинг илдиз отиши яратиш ва янгиланишдан тамомила йироқ, фидоийликдан бегона амалпараст кишиларнинг урчиши, миллат менталитетини нотўғри ва тор тушуниш сингари муаммоларни кўтариб чиқади. Муҳими барча ҳикояларни инсоний бир меҳр билан ичида нурлантиришга характерлар руҳий оламини чуқур кўрсатишга эриша олади. Қитобхон пенсионер чол ва унинг чеварасини, домла Обидовични, ўринбосарини, Барчинойни дил-дилидан севиб қолади, қалбига яқин ҳис этади. Уларнинг акси бўлган типлари хусусида теранроқ ўйлашга, ҳаётій ҳодисаларни таҳлил этиб, маърифий-эстетик хулосалар чиқаришга интилади. Адабиётимиздаги 70 йилларда бошланган руҳий бедорликка эш бўлган Тоғай Мурод кейинчалик халқ дилидан жой оладиган қисса ва романлар яратиши мумкинлиги унинг илк ҳикояларидаёқ яққол кўзга ташланган эди. Эҳтимолки, илк ҳикояларидаёқ ўзини инсоннинг руҳий олами дардларини ифодалашга масъул деб билгани учундир, носир каттароқ жанрларга қўл урганида ҳам XX асрдаги ўзбек халқи руҳиятида кечган жараёнларни аниқ ва очиқ-ойдин тарзда ифода эта олди.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. И.Бекмуродов Ю. Ҳозирги ўзбек романларида психологизм проблемаси, номзодлик диссертацияси. Самарқанд. 1973. Шодиев Н. Абдулла Қаҳҳорнинг психологик таҳлил маҳорати, номзодлик диссертацияси Т. 1973. Абдурахмонова М. Абдулла Қодирий ижодида психологик тасвир маҳорати, номзодлик диссертацияси Т. 1977; Миpов X. Бадий психологизми ва ўзбек романчилиги. Докторлик диссертацияси. Т.1983. Алиев Б. Ҳозирги ўзбек шеъриятида психологизм проблемаси, номзодлик диссертацияси. Т.1994. Жумабoева Ж. XX аср ўзбек шеъриятида психологик тасвир маҳорати. Докторлик диссертацияси. Т.1999 ва бошқалар.
2. Тоғай Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди. Т."Шарк".1991, 169-185 бетлар.
3. Қўшжонов М. Ҳаёт ва нафосат. Т: 1970 15-бет

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада Тоғай Мурод ҳикояларидаги теран руҳий анализга мойиллик тамойили тадқиқ қилинган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье анализируется склонность к психологическому анализу Т.Мурада на материале его рассказов.

#### REZUME

In The article the interest to moral analyses are investigated in the story of Togay Murod.  
(Ушбу мақолани проф. С.Рўзимбоев нашрга тавсия қилган)

**МУНДАРИЖА:**

**ТАБИИЙ ФАНЛАР**

<b>А.ЮСУПОВ, Қ.АДАМБОЕВ, С.САПАРОВ.</b> Кремний- котишмаси асосида Шоттки-тўсикларнинг баъзи хоссалари.. . . . .	1
<b>В.Д.КИМ, Б.Э. ХАЙРИДДИНОВ, Ш.Б.ИМОМОВ.</b> Гидродинамика дисперсного слоя плодов при солнечно-конвективной сушке.. . . . .	3
<b>К.А.КУРЯЗОВ, М.К.САБИРОВ, М.Р.НУРАДДИНОВА.</b> Особенности использования пирамидальных свай в условиях Узбекистана.. . . . .	7
<b>З.К.БАБАЕВ, Ш.К.МАТЧАНОВ, У.М.МАДАМИНОВ, З.А.МАШАРИПОВА.</b> Ковунни қуритишнинг мукамал технологиясини яратиш муаммолари . . . . .	9
<b>А.РАЖАБОВ., Ш.КУРАМБАЕВ.</b> Меваларни музлатиб сақлаш . . . . .	11
<b>Г. М. САТИПОВ, З. АМЕТОВ.</b> Об особенностях строения, функции таза и нижних конечностей некоторых воробьиных птиц.. . . . .	12
<b>М.Р.МУСАЕВ.</b> Экстрагенитал касалликлар билан огриган хомиладор аёллар организми химоя воситаларининг ҳолати. . . . .	14
<b>Н.А.НУРАЛИЕВ, А.И.ЭСАМУРАТОВ, Н.Б.ДУСЧАНОВА.</b> Способ изучения чувствительности бактерий к антисептикам и дезинфектантам.. . . . .	17
<b>Б.Н.НОРМЕТОВ.</b> Ичкетар касалликлар кўзгатувчиларининг идентификациясида кўлланиладиган озиқ мухитнинг хусусиятлари.. . . . .	20
<b>Ш.Р.ЮСУПОВ.</b> Особенности лечения детей с преморбидным фоном больных кишечными инфекциями.. . . . .	23
<b>Х.О.НУРАЛИЕВА.</b> Кўз касалликларидан бирламчи ногиронликка чиққанларни ижтимоий – гигиеник ўрганиш тахлили.. . . . .	26
<b>Б.Н.КУРЪЯЗОВ, Т.К.ХУДАЙКУЛОВ, С.И.ПАЛВАНОВА.</b> Хирургическое лечение колоректального рака.. . . . .	30
<b>М.ШАРИПОВА, Э.ҚУШЧАНОВ.</b> Сил касаллиги (туберкулёз). . . . .	31

**И Ж Т И М О И Й – Г У М А Н И Т А Р Ф А Н Л А Р**

<b>Я.ОЛЛАМОВ.</b> Диний бағрикенгликнинг ҳуқуқий асослари.. . . . .	33
<b>О.АБДУЛЛАЕВ.</b> Ўзбекистон - Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамкорлиги.. . . . .	37
<b>А.А.ИСОҚБОЕВ.</b> Фарғона водийсида татар маърифатпарварлари фаолияти хусусида . . . . .	41
<b>Б.Э.ЖУМАНИЯЗОВ.</b> Ўзбекистоннинг Ўрта Шарқ давлатлари билан ҳамкорлиги минтақавий хавфсизлик гаровидир.. . . . .	43
<b>О.САФАРБОЕВ.</b> Миллий истиклол ғояларини ёшлар онгига сингдиришда наврўз байрамининг ўрни . . . . .	47
<b>Л.СОБИРОВА.</b> Мустақиллик берган имконият . . . . .	49
<b>Ў.АБДУЛЛАЕВ.</b> Хива хонлигини тугатилиши ва хоразм шўролар республикасининг (ХШР) ўрнатилиши . . . . .	51
<b>Қ.СОБИРОВ.</b> Тупроққалъа тарихига доир янги маълумотлар . . . . .	53
<b>К. АБДРИМОВ, О. АВЕЗМУРОТОВ.</b> Қадимги Хоразм археологик ёдгорликларнинг баъзи бир хусусиятлари . . . . .	55
<b>Ҳ.АБДУЛЛАЕВ.</b> Абу Мансур ас-Саолибий хоразм адиблари ҳақида хоразм маъмур академиясининг 1000 йиллиги олдида . . . . .	57
<b>Ж.ЮСУПОВ, И.ЁҚУБОВ.</b> “Ёлғиз япроқ” – умид япроғи . . . . .	58
<b>С.МАТЁКУБОВ.</b> Тоғай Мурод хикояларида психологизм . . . . .	62
<b>Т.МАТЁКУБОВА.</b> Аваз хасбиҳоллари . . . . .	65